

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ҲАРБИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ ГАПИРИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Наргиза Ширинова

Жамоат хавфсизлиги университети доценти

АННОТАЦИЯ

Мақола инглиз тили дарсларида ҳарбий олий ўқув юртлари курсантларини гапиришга ўргатиш муаммоларига бағишланган. Олий ўқув юрти курсантларини гапиришга ўргатишнинг аҳамияти кўрсатилиб, гапиришга ўргатиш бўйича ўқув-топишириқлари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган замонавий ўқув-топишириқлари курсантларнинг гапириш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Таянч сўзлар: гапириш кўникмасини шакллантириш, инглиз тили ўқитишда ўйин-топишириқларининг самарадорлиги, ихтисосий ўқитиш, курсантларнинг қизиқишини ошириш.

THE METHODS OF DEVELOPING SPEAKING SKILLS OF CADETS IN HIGHER EDUCATION

ABSTRACT

Article deals with the methods of developing speaking skills of cadets in higher education. There was indicated the importance of developing speaking skills of cadets in higher education and worked out the exercises directed to the developing of speaking skills of cadets in higher Military education. Given modern educational games can serve for developing of speaking skills of cadets.

Key words: developing of speaking skills, effectiveness of the educational games, specialized teaching, increasing of interest of cadets.

МЕТОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ ПО УСТНОЙ РЕЧИ КУРСАНТОВ В ВЫСШИХ ВОЕННЫХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

АННОТАЦИЯ

Статья освещает проблемы, связанные с формированием навыков по устной речи курсантов в высших военных учебных заведениях. Представлена система упражнений по формированию навыков по устной речи курсантов в высших военных учебных заведениях. Названные в статье образовательные игры, способствуют обучению устной речи курсантов.

Ключевые слова: формирование навыков по устной речи, эффективность образовательных игр в процессе обучения английскому языку, специализированное обучение, повышение интереса курсантов.

Айни кунда хорижий тилларни ўрганишга бўлган катта эътибор Республикамизнинг ривожланиши, унинг янада юқори босқичга кўтарилиши билан боғлиқдир.

Шунингдек, Ватанимиз ҳимоячилари бўлмиш ҳарбий кадрларни ҳар томонлама ривожлантириш бош мақсадлардан бири экан, бу ғоя курсантларга хорижий тилларни ўқитиш мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Бизга маълумки, тил материални ўзлаштириш ва дарсларимиз давомида бажарадиган ҳар бир амалимиз инглиз тилида нутқ юритишимиз учун хизмат қилади, яъни инглиз тилида гапириш ва ёзма нутқ юритиш учун зарурдир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, ушбу мақолада курсантларнинг гапириш кўникмасини шакллантиришга бағишланган усуллар ёритилган. Бу эса, инглиз инглиз тили ўқитишни ташкиллаштириш жараёнида, инглиз тили ўқитиш методикаси бўйича илмий ишларни олиб бориш учун хизмат қилиши мумкин.

Ўқитувчи курсантларга гапиришни ўргатиш жараёнида замонавий усуллардан, яъни курсантларнинг ижодий ишлашига йўналтирилган топшириқлардан фойдаланса, уларнинг инглиз тилига бўлган қизиқишини оширишга эришиши мумкин. Шунингдек, ўқитувчи қолипдаги жумлалар билан чегараланса, курсантларнинг тилга нисбатан қизиқиши сўниб, пассив тарзда маълумот етказувчи вазифасини бажаради.

Гапиришни ўргатиш жараёнида ўқитувчи курсантларнинг индивидуал-психологик омилларини ҳам ҳисобга олиши ва улардаги муаммоларни бартараф қилиш учун зарурий методлардан фойдаланиши зарур. Дарс жараёнида курсантлар грамматик ва лексик кўникмаларни эгаллаган бўлишса-да, лекин гапиришда, яъни уларни қўллашда улардаги ишончнинг етишмаслиги ўқитувчидан индивидуал ёндаша олишдаги маҳоратини талаб қилади.

Юқорида айтилганидек, курсантларнинг мустақил ва ижодий ишлашларига йўналтирилган топшириқлар уларнинг тилни ўрганишга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилади. Шундай экан, курсантларнинг гапириш кўникмасини шакллантиришга хизмат қиладиган усулларни қўйида кўриб чиқишни лозим топдик.

Масалан, “My uniform” мавзуси бўйича курсантларнинг гапириш кўникмасини шакллантириш мақсадида “My, how you’ve changed!” технологиясидан фойдаланса бўлади.

1-босқич. Ўқитувчи курсантларни жуфтликларга ёки гуруҳларга ажратади.

2-босқич. 2-гуруҳдаги курсантга ҳарбий кийимни синчиклаб қараб олиш учун 1 дақиқа вақт берилади.

3-босқич. Курсантга кўзини юмиб ҳарбий формани тасвирлаш вазифаси берилади.

4-босқич. 1-гуруҳдаги курсант кийимида аҳамиятга эга бўлмаган ўзгартириш киритади ва у нимадан иборат эканлиги сўрайди. Масалан, оёқ кийимидаги ипни очиб қўйиш ёки камарини олиб қўйиш кабилар.

5-босқич. Курсант ҳарбий формадаги ўзгаришни айтиб, унинг тўғрилиги гуруҳ аъзолари томонидан текширилади.

Машқдан сўнг ўқитувчи гапириш жараёнида курсантларнинг мавзу юзасидан грамматик ва лексик хатолари устида ишлайди. Курсантлар “My Uniform” мавзуси бўйича қуйидаги лексик материални ҳам мустаҳкамлаб, уларни нутқда қўллашни ўрганиб боради.

Beret, T-shirt, trousers, boots, belt, cap, jacket, badge of rank, cap, badge, name tag, epaulette, blood ID, chevron.

Ўқитувчи томонидан курсантларга турли хилдаги ҳаракатлар бўйича инглиз тилида буйруқ бериш ва уни тушуниш вазифаси “Do the opposite” технологияси орқали берилади. Масалан,

1-босқич. Ўқитувчи гуруҳни айлана шаклда туришини талаб қилади.

2-босқич. Ўқитувчи курсантлардан айтилган ҳаракатларнинг тескарисини бажаришларини сўрайди. Масалан, “Go two steps forwards!”, “Turn to your right!” каби топшириқларни бажаришни сўрайди.

3-босқич. Курсантлар 2 қадам орқага ёки чап тарафга бурилишади.

4-босқич. Ўйин-топшириғи шундай тарзда давом этади. Масалан, “Stand on your left leg!” вазифаси берилганда, курсантлар ўнг оёғида туради.

Шунингдек, “Shout, I love this game”, “Whisper, I hate this game”, “Stand up!”, “Sit down!” ёки “Go two steps backwards!” каби топшириқлардан

Шунингдек, “Weapons and equipments” мавзусини оғзаки нутқда машқ қилиш босқичида “What can it be?” ўйин-топшириғидан фойдаланса бўлади. Масалан,

1-босқич. Гуруҳ иккига бўлинади.

2-босқич. Анжомлар солинган сумка биринчи гуруҳга топширилади. Масалан, antenna, compass, map, radio.

3-босқич. Биринчи гуруҳдаги курсантлар сумка ичидан бир анжомни олиб, кетма-кет тарзда уни тасвирлай бошлайди. Масалан,

It is shaped like telephone.

It is made of plastic.

It is used for communication.

4-босқич. Иккинчи гуруҳдаги курсантлар инглиз тилида турли хил савол ва изоҳлар бериш орқали унинг нима эканлигини топишга ҳаракат қилишади. Масалан,

I'd say it's a

I'm guessing that it is a....

Oh my god! It is a ..., isn't it?

This might sound stupid/mad/crazy, but I think it's a

I know what it is, but I can't remember/don't know the word.

5-босқич. Иккинчи гуруҳдаги курсантлар анжом ёки аслаҳанинг “Radio” эканлигини топганларидан кейин, ўйин шундай тарзда давом эттирилади.



Ушбу жараёнда “Weapons and equipment” мавзуси бўйича лексик материал машқ қилинади ҳамда гапириш кўникмасини ривожлантиришга хизмат қилинади.

Юқорида келтирилган топшириқлар курсантларнинг гапириш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу топшириқлардан ўқитувчи дарснинг турли босқичларида унумли фойдалана олиши, қўллаш методикаси билан қуроллантирилиш зарур.

АДАБИЁТЛАР:

1. Менглиева, Сунбула. "Increasing the professional competence of cadets through the method of projects." *Общество и инновации* 3.10/S (2022): 296-300.
2. Savranbekovna, Mengliyeva Sunbula. "WAYS OF TEACHING VOCABULARY AND MILITARY TERMS TO CADETS IN ENGLISH." *Open Access Repository* 8.2 (2022): 139-141.
3. Shirinova, Nilufar Djabbarovna, Shirinova, Nargiza Djabbarovna LISONIY PARALLELIZM HODISASIGA DOIR // *ORIENSS*. 2023. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lisoniy-parallelizm-hodisasiga-doir> (дата обращения: 10.10.2023).
4. Шереметьева, А. Г., and Р. Р. Атаева. "ВАРИАНТНОСТЬ КАК ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН." доктор физико-математических наук, профессор, заведующий кафедрой технологии материалов электроники Московского института стали и сплавов (2018): 217.
5. Darvishova, Gulchexra Kenjabayevna SHARLOTTA BRONTE IJODIDA AYOLNING IJTIMOIY MAVQEI // *ORIENSS*. 2023. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-ijodida-ayolning-ijtimoiy-mavqei> (дата обращения: 10.10.2023).
6. Дарвишова, Гулчехра Кенжабаевна. "THE ISSUES OF WOMEN AND SOCIETY IN THE NOVELS OF CHARLOTTE BRONTE." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 4.4 (2021).
7. Магдиева, С. С., Ю. У. Матенова, and О. Ж. Латипов. "Методика преподавания русского языка в АЛ и ПК." *Учебное пособие* (2012).
8. Латипов, Окил. "RUS, O 'ZBEK, TOJIK VA INGLIZ TILLARIDA 'DOG/IT/SAG' ZONIM SO 'ZINING KONSEPTUAL TALQINI." *Farg 'ona davlat universiteti ilmiy jurnali* 1 (2023): 454-461.
9. Nasimovich, Radjabov Nasir. "A SIMPLE CLASSIFICATION OF ENGLISH UNSTRESSED VOWEL PHONOLOGICAL OPPOSITIONS." *INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION* (2022): 60.
10. Nasimovich, Radjabov N. "Language Interference in Teaching English Diphthongs to Uzbek Learners." *International Journal on Integrated Education*, vol. 4, no. 8, 2021, pp. 16-21, doi:[10.31149/ijie.v4i8.2109](https://doi.org/10.31149/ijie.v4i8.2109).

11. Туйчибаева, Ш. Ш. "DEVELOPMENT OF HEARING-PERFORMANCE SKILLS WHILE TEACHING RUSSIAN LANGUAGE." Издатель «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА 5.24 (2022): 965-976.
12. Туйчибаева, Шахноза Шакировна, Бахромбоева, Сабринабону Аббос Кизи ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ КИТАЙСКИХ СТУДЕНТОВ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-obucheniya-kitayskih-studentov-russkomu-yazyku-kak-inostrannomu> (дата обращения: 10.10.2023).
13. Умарова Ф. З. РАЗРАБОТКА ОДНОГО ПРАКТИЧЕСКОГО ЗАНЯТИЯ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ // Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 25. – №. 3. – С. 97-103.
14. Умарова, Ф. З. "ГРАФИЧЕСКИЕ ОРГАНАЙЗЕРЫ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ." Journal of new century innovations 21.4 (2023): 238-240.
15. Умарова, Фарида Зикириллаевна. "РОЛЬ РЕФЛЕКСИИ В РАЗВИТИИ ЛИНГВОКУЛЬТУРНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ." Academic research in educational sciences 2.6 (2021): 63-68.
16. Умарова, Ф. З. "КОМПЕТЕНТНОСТЬ И ПРАВСТВЕННОСТЬ КАК ВЗАИМОДОПОЛНЯЮЩИЕ ФАКТОРЫ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ РАБОТНИКА." Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. 2016.
17. Shirinova N.D., Shirinova N.D. GRADUAL MORPHOLOGICAL DEMARCATION OF SUBSTANTIVE AND ATTRIBUTIVE MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES // ORIENSS. 2022. №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/gradual-morphological-demarcation-of-substantive-and-attributive-meanings-in-uzbek-and-english-languages> (дата обращения: 10.10.2023).
18. Djabarovna, Shirinova Nargiza. "Synonymous pairs of lexical units." ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11.2 (2021): 910-913.
19. Saydaliev, Tulkin Khayriddinovich, Elmira Temirovich Erkaev, and Dilshod Mamadiyarovich Djuraev. "Review of Abdulla Kadiri's poetics in the novel 'Days Gone By' in Russian translations." ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11.4 (2021): 754-763.
20. Эркаев, Элмирза, Нурзод Дустмуродов, and Бекзод Нуриббетов. "НЕМИС ТИЛИ ЎРГАТИШДА СОҶАВИЙ ТЕРМИНЛАР." (2023): 190-194.

21. Эркаев, Элмирза, and Иззатилло Мавлонов. "ЧЕТ ТИЛДА НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРЖИМАНИНГ ЎРНИ." *Journal of new century innovations* 18.4 (2022): 45-48.
22. Эркаев, Э. Т. "ТАРЖИМАНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎРГАТИШГА ДОИР." *JAHON ILM-FANI TARAQQIYOTIDA TARJIMASHUNOSLIKNING ANAMIYATI* (2021): 131.
23. Эркаев, Элмирза. "Таржимани ўргатишда лингводидактик ёндашув." *Общество и инновации* 2.3 (2021): 120-124.
24. Xaydarovna, Rashidova Munavvar. "On linguistic competence as the component of communicative competence." *EPRA International Journal of multidisciplinary Research* 7.3 (2021): 165-167.
25. Xaydarovna, Rashidova Munavvar. "Discourse competence as the component of communicative competence." *EPRA International Journal of Research and Development* 6.3 (2021): 39-41.
26. Akhmedov, Doniyor A., et al. "Simulation of the effect of turning steering wheel intensity on the vehicle stability." *International journal of recent technology and engineering (IJRTE)* 9.2 (2020): 242-247.
27. Булычёва, М. Ф. "К вопросу о рациональных приёмах запоминания учебного материала." *Science and Education* 4.2 (2023): 1359-1369.